

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TALIM VAZIRLIGI

NAMANGAN MUHANDISLIK-PEDAGOGIKA INSTITUTI

УДК 664.6/7

Qo'lyozma huquqida

Rahmonov Anvar Habibullayevich

Donni qayta ishlash korxonalari chiqindilaridan yuqori energiya
beruvchi mahsulotlar olish texnologiyasini ishlab chiqish

Mutaxassislik: 5A111001 – Kasb ta'limi (5321100–Oziq-ovqat maxsulotlarini
ishlab chiqarish va qayta ishlash texnologiyasi)

magistri darajasini olish uchun

D I S S E R T A T S I Y A

Ish ko'rib chiqildi va himoyaga
qo'yildi

“Oziq-ovqat texnologiyasi” kafedrası
mudiri ____dos. III Атаханов

«____» _____ 2014 yil

Ilmiy rahbar:

____dos. X.Xoshimov

«____» _____ 2014 yil

NAMANGAN – 2014 yil

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 664.6/7

Раҳмонов Анвар Хабибуллаевич

Донни қайта ишлаш корхоналари чиқиндиларидан юқори энергия
берувчи маҳсулотлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш

Мутахассислик: 5A111001 – Касб таълими (5321100–Озиқовқат
технологияси)

Магистри даражасини олиш учун

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга

қўйилди

“Озиқ-овқатлар технологияси”

кафедраси

мудири _____ доц Ш.Атаханов

«_____» _____ 2014 йил

Илмий раҳбар:

_____дос Х.Хошимов

«_____» _____ 2014 йил

НАМАНГАН 2014 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК – ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Факультет “Технология”
Кафедра “Озиқ-овқат технологияси”

Магистратура талабаси Рахмонов Анвар
Илмий раҳбар доц. Х. Хошимов

Ўқув йили 2013-2014

Мутахассислиги 5A111001 – Касб
таълими (Озиқ-овқат
технологияси)

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

- мавзунинг долзарблиги;
- ишнинг мақсади ва вазифалари;
- тадқиқот объекти ва предмети;
- тадқиқот услубияти ва услублари;
- тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси;
- тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи;
- иш тузилиши ва таркиби;
- бажарилган ишнинг асосий натижалари;
- хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.

Илмий раҳбар

(имзо)

Магистратура талабаси

(имзо)

Аннотация

Диссертация иши унни қайта ишлашда ҳосил бўладиган “Дерт” деб аталувчи иккиламчи маҳсулотдан юқори энергия тутувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясига бағишланган. Юқори крахмал тутувчи “Дерт” иккиламчи ҳом ашёсининг структура таркиби аниқланган. Шунингдек ушбу ҳом ашёни таркибидаги крахмални аминолитик ферментлар ёрдамида гидролиз қилишнинг ва клейстрланган (бўктирилган) крахмал молекуласини шакарлантиришни оптимал шароитлари яратилган. Жумладан клейстрланган крахмални амилолитик ферментлар таъсирида қандлаштиришнинг оптимал харорати, РН мухити ва экспозицияси яъни аниқланди. Шакарлантирилган суслони *Saharomyces Serevais* ачитқилари ёрдамида бижғитиб этил спирти ҳосил қилишни принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилди.

Abstract

The paper is devoted to the development of technology of high energy-keeping products from recycled materials generated during the processing of grain into flour. The basic structural composition of main high-starchy raw materials “Dert” is defined. Technology of amylolytic hydrolysis of starch and the optimal conditions of splitting of swollen starch of molecules is developed. The optimum temperature of sweeten of wort by use of malt amylase, as well as its PH to ferment its shiver of *Saharomyces Serevais*.

Developed a principal scheme of production of ethanol from recycled materials processing of grain into flour.

Мундарижа

1. Кириш

2. Асосий қисм

2. Дон ва уни қайта ишлашнинг умумий таҳлили (адабиётлар шарҳи)

2.1. Буғдой донларини қайта ишлашда ҳосил бўладиган асосий ва иккиламчи маҳсулотлар

2.2. Дон корхоналари чиқиндиларини қайта ишлаш технологияларини таҳлили

2.3. Донлар таркибидаги полисахаридларнинг амилolitik парчаланишини таҳлили

2.4. Этил спирти олиш технологиясининг таҳлили

3. Илмий тадқиқот натижалари.

3. Илмий тадқиқот объектлари, материаллари ва услублари

4. Илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш ва илмий тадқиқотлар гипотезасини яратиш

5. Илмий тадқиқотлар натижалари

5.1. Тегирмон чиқиндиларининг ҳосил бўлишининг миқдорий кўрсаткичларини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари

5.2. Тегирмонларда ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулотлардан спирт хом ашёси олишнинг оптимал шароитларни аниқлаш.

5.3. Тегирмонда ҳосил бўлган иккиламчи хом ашёларни солод амилазаси ёрдамида қантлаштириш..

5.4. Қантлаштирилган заторни дрожилар ёрдамида бијғитишни оптимал шароитларини аниқлаш

5.5. Тегирмонда ҳосил бўлган иккиламчи хом ашёлардан юқори энергия берувчи маҳсулот (этил спирти) олишнинг принципиал технологик схемаси .

6. Хулоса

7. Фойдаланилган адабиётлар

8. Интернет маълумотлари

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда чикитсиз технологияга кўп эътибор берилмоқда. Муаммони ечишнинг турли хил услублари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва турли хил ечимлар таклиф этилмоқда. Ана шундай ечимлардан бири донларни қайта ишлашда ҳосил бўладиган иккиламчи хом-ашёсидан юқори энергия тутувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш усуллари ишлаб чиқишдир. Иккиламчи дон маҳсулотларини қайта ишлаш спирт ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий хом-ашё ресурсларни тежашни, маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини беради.

Тадқиқот мақсади. Дон маҳсулотларини қайта ишлашда ҳосил бўладиган тегирмон чиқиндилари ва етилмаган донлар комплексини қайта ишлаб энергетик қуввати юқори бўлган, алкоғолли ва кам алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқаришнинг асосий хом-ашёлари қаторига кирувчи этанола ишлаб чиқариш усулини яратишдан иборат.

Тадқиқот объекти. Дон маҳсулотларини қайта ишлашда ҳосил бўладиган “Дерт” чиқиндиси ва тегирмоннинг ун чанги.

Диссертациянинг илмий янгилиги.

Биринчи марта Наманган вилояти шароитида Донни қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўладиган чиқиндилардан этанола синтез қилишдир.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Магистрлик диссертация иши кириш, 3 та боб, хулосалар, 55 фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация иши 10 жадвалдан таркиб топган 80 бетдан иборат.

Кириш.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулотнинг 6,1 %ни озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ташкил қилади. Озиқ-овқат саноатини асосий устувор йўналишларидан бири, бу озиқ-овқат саноатини интенсив ривожлантириш, аҳолини тўйимли ҳаётий зарур биологик актив моддалар компонентлари билан тўйинтирилган, экологик тоза, зарарсиз бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, янги турдаги истеъмолбоп овқат маҳсулотларини янги замонавий технологияларини яратиш ва уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этиш ташкил қилади.

Сув инсон организми салмоғининг 85-90 %ни ташкил қилади ва у инсон танасида кечадиган барча моддалар алмашинуви жараёнларнинг асосий экстракцияловчи, яъни зарур озуқа моддаларнинг ташувчи асосий восита бўлиб хизмат қилади

Сувда ҳаётий зарур моддалар оксиллар, углеводлар, витаминлар ва бошқа биологик актив моддаларнинг барқарор миқдорларда бўлиши инсон саломатлигини асосини ташкил этади.

Сўнгги йилларда жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларда синтетик озиқ-овқат маҳсулотларини кундалик рациондан чиқариб ташланиб, унинг ўрнига табиий ўсимлик дунёси ва чорва ҳайвонларнинг хом-ашёсидан қайта ишланган маҳсулотлар киритилмоқда.

Буларнинг қаторига мева ва сабзавотларни тиндирилган, тиндирилмаган, этли, ҳамда этсиз шарбатлари, экстрактлари, нектарлари, пиво ва бошқа алкаголсиз ичимлик, табиий иккиламчи хом ашёлардан олинган ширинлаштирилган пасталар, таркибида крахмал тутувчи хом ашёларни чиқиндиларини қайта ишлаб озуқабоп маҳсулотлар олиш технологиялари яратилмоқда ва уларнинг турфа хиллари истеъмолчилар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

Бижғитиш орқали олинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мураккаб жараён бўлиб, унинг асосида донлардан солод тайёрлаш жараёнида чуқур биокимёвий ўзгаришлар, суслони тайёрлашда рўй берадиган турли туман

ферментатив жараёнлар, бижғиш ва етилтириш жараёнларида дрожжиларда кечадиган мураккаб метаболизм жараёнлари ётади. Улар билан бевосита боғлиқ ҳолда кимёвий, физик-кимёвий ва физик жараёнлар содир бўлади. Бу жараёнларнинг қаердан бошланиб қаерда тугаш чегараларининг ҳамма вақт ҳам аниқлаб бўлмайди ва шуни айтиш мумкинки ҳар қандай биокимёвий жараёнлар, бир пайтни ўзида физик-кимёвий жараён бўлиб, муҳитнинг концентрацияси, кислоталилиги, ҳарорати ва бошқа омилларга нисбатан қатъий талаблар қўяди.(Булгаков, 1986).

Ичимлик спирти ва пиво ишлаб чиқаришнинг асосий хом-ашёси бўлган крахмалнинг парчаланиш жараёнларини, унинг клейстаризацияси, ташқи муҳит омилларининг биокимёвий жараёнларни кечишига бевосита таъсир этувчи сувнинг таркибисиз ёки тайёр маҳсулотни биокимёвий хусусиятларини, унинг физик хусусиятларини ҳисобга олмасдан таҳлил қилиш мумкин эмас. Юқоридаги жараёнларнинг мажмуасини амалга оширилиши натижасида маълум сифат кўрсаткичларига эга бўлган алкаголли ва алкаголсиз ичимликлар олиш технологиялари жадал ривожланмоқда. Озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ҳосил бўладиган иккиламчи хом ашёлар шужумладан донни қайта ишлаш крупа ишлаб чиқаришда ун тортишда ва гурунч ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлаш ва улардан истеъмолбоп товарлар ишлаб чиқариш муаммоси ҳозиргача долзарб вазифалигича қолмоқда. Бу хом ашёлардан бугунги кунда чорва озукаси сифатида фойдаланиб келинмоқда. Илмий манбалардаги маълумотларга кўра дон маҳсулотларининг технологик жараёнларда ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулотларнинг кимёвий таркиби тўла таҳлил қилинмаганлиги маълум бўлди.

Ушбуни ҳисобга олиб биз магистрлик диссертацияси учун

“Донни қайта ишлаш корхоналари чиқиндиларидан юқори энергия берувчи маҳсулотлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусини

танладик.

2. Асосий қисм

2.1. Дон ва уни қайта ишлашнинг умумий таҳлили

(Адабиётлар шархи)

Илмий манбааларнинг маълумотларига кўра таркибида юқори энергия тутувчи озиқ-овқат маҳсулотлари жумласига ўсимлик ва ҳайвон ёғлари (9 ккал/гр) турли хил спиртлар (шу ж. этил спирти 7 ккал/гр), органик кислоталар (сирка кислотаси-3,5 ккал/гр, олма ва лимон кислоталари 2,4-2,5 ккал/грсут кислотаси-2,5 ккал/гр) киради. (Скурихин,2002)

Озиқ-овқат саноатининг кучли ривожланган соҳаларидан бири алкаголли ва кам алкаголли ичимликлар ишлаб чиқаришнинг асосий инградиенти ҳисобланган этил спиртини олиш технологияси бўлиб ҳисобланади.

Ичимлик спирти ишлаб чиқаришнинг ананавий принципи амилолитик ферментлар таъсирида крахмал тутувчи хом ашёларни моносахаридларгача парчалашга асослангандир. Бундай ферментларнинг асосий табиий манбаи бўлиб донларнинг эмбрионал ривожланиши жараёнида ҳосил бўладиган биологик актив моддаларнинг яъни биологик гормонларнинг фаоллашуви натижасида ҳосил бўладиган альфа-амилаза, бетта амилаза ва гамма амилазалар бўлиб ҳисобланади.

Доннинг тузилиши

Бошоқдошлар оиласи ўсимликларининг дони деярли бир хил тузилишга эга. Улар учта асосий қисмдан: муртак, эндосперм ва қобикдан иборат. Қобик ўз навбатида гул қавати ва уруғ қаватидан иборат. Гул қавати уруғ қаватининг устида жойлашган бўлади. Жавдар, буғдой ва маккажўхори донини йиғиб олишда улар гул қаватидан тўлиқ ажралади. Арпа, сули ва тарик эса гул қаватини сақлаб қолади. Шу сабабдан биринчи донлар (яъни, буғдой, жавдар, маккажўхори) ялонғоч уруғлилар, иккинчиси эса (яъни, арпа, сули, тарик) пўстлоғли уруғлилар деб аталади. []

Қуйида арпа донининг тузилиши келтирилган. Доннинг ички қисми - эндосперм унли бўлиб, у алейрон қават билан туташган бўлади.

Алейрон қават оксилга бой бўлади. Қават бир (масалан, жавдар, буғдой, сули, маккажўхори, тарик) ёки бир неча қатор қалин девордан иборат бўлади. Эндосперм қалин деворли қуриган протоплазмадан иборат бўлиб, ичи крахмал доналари билан тўлган бўлади.

Доннинг пастки қисмида муртак жойлашган. Муртак уруғланиш новдаси ва уруғланиш қаватидан иборат. Муртак эндоспермдан қобиқ билан ажралиб туради.

Турли ботаник гуруҳга кирувчи маккажўхори донлари эндоспермининг шишасимон қисми ҳажми билан фарқлайдилар. Ушбу қисмда крахмал гранулалари оксиллар билан мустаҳкам "цементланган" бўлади. Шунинг ушбу гранулалар кўп қиррали шаклга эга. Эндоспермнинг крахмал қисмидаги оксил тўрсимон юпқа ва нозик, крахмалли гранулалари эса юмалоқ шаклда бўлади. Кремнийли маккажўхори донининг шишасимон қисми деярли тўлиқ эндосперм билан тўлган бўлса, крахмалли маккажўхори дони юқорисида катта бўлмаган ҳажмни, тишсимонида эса муртак бўйлаб симметрик жойлашган сегментлар шаклида тахминан ярмини эгаллайди. []

**Дон махсулотлари аноталик қисмларининг ўзаро миқдорий
нисбати (% мас. да) қуйидаги жадвалда келтирилган:**

1-жадвал

Донли экинлар	Гули қобиқ	Мева ва уруғ қавати	Алейрон қават	Муртак	Эндосперм
Жавдар	0	11-15	11-12	2,5-3,3	70-75
Буғдой	0	4-7	7-10	1,5-3,0	83-85
Арпа	7-18	5-7	11-13	2,5-5,0	65-68
Сули	23-45	2,5-4,0	4-6	3-4	61-68
Маккажў- хори	0	7-14	7-9	8-15	61-77

Ўзбекистонда етиштириладиган донларни кимёвий таркибини тахлили

Доннинг кимёвий таркиби унинг тури навидан, етиштирилган ер-иқлим шароитларидан, агротехника усулларида, сақлаш шароитларидан ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Ўртача меъёр ҳисобда дон 14 % намлик ва 86 % куруқ моддалардан иборат.

Донда сув миқдори нисбатан кам бўлгани учун улар мустаҳкам структурага эга. Намлик миқдори нафақат доннинг гигроскопик хусусиятларидан, балки етилганлик даражаси ва бошқа шароитлардан ҳам боғлиқ бўлади.

Амалиётда доннинг намлик бўйича тўрт ҳолатини фарқланади. куруқ, ўртача куруқ, нам ва хўл. Масалан, жавдар, буғдой ва арпада бу ҳолат намлик бўйича қуйидагича таснифланади: куруқ - 14 % гача, ўртача куруқ – 14 дан 15,5 % гача, нам - 15,5 дан 17 % гача, хўл 17 % дан ортиқ. Дефектли ёки намланган доннинг намлиги 30 % ва ундан ортиқ бўлади. Куруқ ҳолатга тўғри келувчи намлик коллоид боғланган бўлади. Донда ҳаётий жараёнлар минимумгача камайган бўлади. Ўртача куруқликдаги донда оз миқдорда эркин сув бўлади ва унда ҳаёт фаолият тикланиши мумкин. Доннинг ушбу ҳолатига тўғри келувчи намлик критик намлик дейилади. []

Куруқ моддалар. Донда ўртача миқдорда 84 % органик ва 2 % минераль моддалар, шу жумладан: крахмал - 52 %, қандлар 3 %, клетчатка - 6 %, пентоза ва пектин моддалари - 9 %, азотли моддалар - 11 %, ёғлар - 3 % ни ташкил қилади.

Крахмал. Крахмал миқдори соғлом тўлиқ етилган донда қуйидагича ўзгаради: буғдойда 48-57 %, жавдарда-46-53 %, арпада 43-55 %, сулида 34-40 %, тарикда-42-60 %, крахмалли маккажўхорида 61-70 %, тишсимон маккажўхорида 58-64 %, кремнийли маккажўхорида 54-71 %. Нуқсонли донда крахмал миқдори кам бўлади.

Қанд. Соғлом донда одатда 0,6 дан 7 % гача қандлар бўлади. Ушбу қандлар, асосан, сахарозадан иборат бўлиб, оз миқдорда бўлсада

трисахаридлар ва тетрасахаридлар бўлади. Арпа ва жавдарда сезиларли даражада раффиноза канди ҳам учрайди. Донларда мальтоза учрамасада, пектин донни ўстиришда ҳосил бўлади.

Етилмаган, совуқ урган ва ўсган донда канд миқдори кўп бўлиб, асосан, инвертланган сахароза ва мальтозадан иборат, бўлиши кузатилган.

Целюлоза. Гулли қобиғи бўлмаган донларда целюлоза миқдори нисбатан кам бўлиб, 1,5-2,5 % ни ташкил қилади. Гулли қобикли донларда: сулида 10 %, тарикда 8 % ва арпада 4-5 % целюлоза бўлади.

Пентозалар, пектин моддалари, гумми. Донларда гексозанлар (маннан, галактан, глюкозалар) ва пентозанлардан (кселан, арабан) тузилган гемицелюлоза (полуклетчатка) учрайди. Гелицелюлоза клетчатка билан биргаликда хужайра деворини шакллантиришда иштирок этади. Пентозанлар гумми (шилим)ларнинг асосий таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Пентозанларнинг дондаги умумий қисми 7-15 % ни ташкил қилади. Сулида пентозанлар миқдори нисбатан юқори бўлиб 12-15 % ни ташкил қилади. Арпада 9-13 %, жавдарда эса тахминан 10 % пентозанлар бўлади. Сулида лихелин туридаги шилим ҳосил қилувчи полисахарид учрайди. Жавдар донида нисбатан кўп гумми (2,8 % гача) бўлгани учун пиширилган массаси қовушқоқлиги юқори бўлади. Маккажухори донида эса декстринлар (1-6 %) учрайди. Етилмаган жавдар ва буғдойда сезиларли миқдорда фруктозалар аниқланган.

Донларда пектин моддаларининг миқдори нисбатан кам бўлади.

Азот моддалар. Соғлом, етилган дондаги азотли моддалар асосан оксиллардан иборат. Уларнинг миқдори 7 дан 25 % гача бўлиши мумкин. Эркин аминокислоталар, амидлар ва пептидлар оз миқдорда учрайди. Фақат жавдар донида уларнинг миқдори юқори. Шунинг учун ачитқи замбуруғлари етиштириш учун мўлжалланган шарбат жавдар донидан тайёрланганда улар яхши кўпаяди. Оксилсиз азот миқдори (аммиаклиси ҳам) ўртача 2 % ни ташкил этади. Етилмаган, ўз-ўзидан қизиган ва ўстирилган донда аминокислоталар миқдори ортади.

Донда сувда эрувчи аминокислотлар - альбуминлар; нейтрал тузларнинг кучсиз эритмаси (3-10 % ли)да эрувчи аминокислоталар - глобулинлар, (глобулинларнинг айримлари кислоталарнинг кучсиз эритмаси (0.2 % ли)да эрийди); спиртларнинг 60-80 %-ли эритмасида эрувчи оксиллар - проламинлар; ишқорларнинг кучсиз эритмаси (0.2 %-ли)да эрувчи оксиллар - глютелинлар аниқлаган.

Оксилларнинг типик намоёндалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: альбуминлардан буғдой лейкозини; глобуминлардан - арпа эдестини, буғдой глютеини; проламинлардан - буғдой глиадини, маккажўхори зеини, арпа гордеини, сули авенини; глютелинлардан - маккажўхори зеинини.

Ушбу оксилларнинг тахминий нисбати (% мас. да) 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Донли экинлар	Албумин	Глобулин	Проламин	Глютелин
Буғдой	4	8	40	48
Жавдар	28	22	32	18
Арпа	12	30	35	23
Сули	20	20	15	45
Маккажўхори	0,5	20	40	30
Тариқ	10	6	60	10

Тахминан 10 % оксиллар оддий эритувчиларда эримади.

Маккажўхори донида сувда эрувчи азотли моддаларнинг миқдори кам бўлиши ва аминокислоталар таркиби бўйича тўлақонли эмаслиги сабабли ушбу дондан ачитки замбуруғларини кўпайтириш учун мўлжалланган шарбатга қўшимча азотли озука қўшишни талаб қилади.

Липидлар (мойлар). Дондаги триглицеридлар миқдори нисбатан кам бўлиб - 1,8 дан 2,5 % гача учрайди. Маккажўхорида 5-7 %, сулида 5-6 %, тариқда 3,5-5 % мойлар бўлади. Мойларнинг тахминан 85 % муртақда,

12 % - алейрон қаватда ва 3 % эндоспермда жойлашган. Мойлар таркибига асосан тўйинмаган кислоталар - линол, линолен ва омин, тўйинганлардан асосан пальмитин кислотаси киради.

Доннинг эфирли экстрактларида мойлардан ташқари липоидлар - фосфатидлар, стероллар, восklar, пигментлар ва бошқа моддалар киради. Бошоқли ўсимликларда учрайдиган фосфатидларнинг типик ва энг кўп тарқалган намоёндаси бўлиб лецитин ҳисобланади. Лецитин углецирид бўлиб, унинг таркибида фосфат кислота ва азотли асос - холин мавжуд. Лецитинлар дон массасига нисбатан 0,3-0,7 % миқдорда бўлади. Фосфатидлар гидролизга учраганида фосфат кислотаси ҳосил бўлади. Ушбу кислота доннинг кислоталилигини белгилайди. Фосфатидлар хужайранинг ўтказувчанлигида муҳим роль ўйнайди. Стероллар дон экстрактининг совуқланмайдиган фракциясининг асосий қисмини ташкил этади. Донда стероллардан юқори молекуляр бир атомли спиртлар - фито- стероллар мавжуд бўлиб, уларнинг миқдори 0,03-0,07 %-ни ташкил этади. Ушбу моддалар Д гуруҳидаги витаминларга (кальций, феролга) яқин. Донда фитин - инозитфосфат кислотасининг кальций-магнийли тузи ҳам мавжуд бўлиб, унинг миқдори 0,2-0,5 % га тенг. Пигментлардан каротинлар антоцианлар ва флавонолар аниқланилган.

Витаминлар. Донда ёғда эрувчи витаминлар - токофероллар (айниқса, буғдой муртагида сезиларли миқдорда) ва сувда эрувчи (мл/100 г да) - тиамин (0,3-0,8), рибофлавин (0,07-0,30), никотин кислотаси (1,3-7,2), пиридоксин, биотин, пантатен кислотаси мавжуд. Биологик тинч ҳолатдаги донда аскорбин кислотаси мавжуд эмас, лекин у ўсиш даврида ҳосил бўлади.

Минерал моддалар ва кислоталар. Кулдорлик дон массасига нисбатан 1,5-3,0 % ни ташкил этади. Минерал моддалар, асосан, ташқи ва гулли қобиқда ва муртақда учрайди. Пўстлоғли донларда: сули, арпа ва тарикда кулдорлик нисбатан юқори.

Кул таркиби асосан калий фосфатдан иборат бўлиб, унинг миқдори 8 %. Дондаги фосфорнинг қарийиб 85 % органик бирикмалар -

нуклеопроteidлар, фосфатидлар ва фитинлар бўлади. Фосфат кислотадан ташқари шавел, олма ва сут кислотаси ҳам аниқланган. 100 г дондаги умумий кислоталилик 1 н.ли натрий гидрооксидининг 1,5-2,5 мл га тўғри келади. Сувли экстрактининг фаол кислоталилиги рН 5,5-6,5 га тенг. Ўз-ўзидан ёнишда, моғорлашда ва ўсишда дон кислоталилиги ортади.

Бугдой донларидан ун ишлаб чиқаришни технологик асослари

Бугдой донидан ун маҳсулотини қаттиқ ва юмшоққ бугдой навларидан тайёрланади. Қаттиқ бугдой навларидан ун ишлаб чиқариш икки навли янчиш усулида амалга оширилади. Бу усулда товар уннинг чиқиши 72 %ни ташкил қилади ва даставвал ёрманинг олий нави 40 % ажратиб олинади, сўнгра 32 % (ярим ёрма) биринчи навли ёрма ажратиб олинади, ёки 75 % ли ун чиқиши режалаштирилганда эса 60% олий навли ёрма ва 15 % 2 навли учун олинади.

Уч навли учун тортилиш жараёнида эса олий навли ёрма, 1 навли ярим норма ва ҳамма вақт 2 навли учун олинади. Умумий миқдори 75 %ли ун олиш жараёнида навларнинг нисбати 30 4-4- 25 -f- 20; 40 4- 20 4- 15 бўлса, 78% ун олиш жараёнида навларнинг нисбати - 25 4- 30 + 23; 30 4- 25 4- 23; 40 + 15 4- 23.ни ташкил қилади. Қаттиқ бугдой навларидан олинган уннинг эндосперманинг кул миқдори кўп бўлиб алейрон қатлами мустаҳкамлиги камбўлгани учун юмшоққ бугдойга нисбатан кул миқдори кўп бўлади. Қаттиқ бугдой навларининг ёрмалари крем рангли сарғиш тусли бўлиб заррачаларнинг ўлчами 300-400мкм ни ташкил этиб, 30 %дан кам бўлмаган миқдорда клейковина ва 0,75%дан ортиқ бўлмаган ккл миқдорига эга бўлиши керак. Ярим ёрмалар эса бир оз оч тусли, ўлчами 125-250 мкм бўлиб, уларда дон пўстининг зарралари кўриниб туради, бу макарон маҳсулотлари тайёлашда ўз таъсирини кўрсатади, Ярим ёрмалар учун клейковина меъёри- 32%, кул меъёри - 1,1% ни ташкил этиши белгилаб қўйилган.

Ҳар икки турдаги буғдой навларидан олинган уннинг таркибидаги йирик заррачалар 3%дан ортиқ бўлмаслиги, ҳамда майда унга яқин майда зарраларнинг миқдори ёрма учун 12%, ярим ёрма учун 40%гача бўлишига йўл қўйилади

Юмшоққ буғдойдан олинган ёрма оқ рангли сарғиш тусли бўлиб, унинг таркибидаги кул миқдори 0,55%дан ортиқ бўлмасдан, клейковина миқдори 28%дан кам бўлмайди. Ярим ёрмаси крем тусли бўлиб кул миқдори 0,75 %, клейковинаси 30%ни ташкил этади. Заррачаларнинг ўлчами бўйича қаттиқ буғдойдан олинган маҳсулотлар билан бир хилдир.

Буғдой унининг кимёвий таркиби доннинг кимёвий таркиби билан деярли бир хил бўлиб, турли хил навли унларда ҳар хил ўзгариши мумкин. Буғдойдан турли навли унларни олиш жараёнида зарур озуқавий моддаларни максимал миқдорини сақлаб қолишга ҳаракат қилинади

Умумий уннинг чиқиши 78% бўлганда унинг таркибига буғдой крахмалининг-96%, оқсилнинг-76%, кулнинг-43%, клетчатканинг асосий қисми кепак холида ажралиб чиққанлиги сабабли уннинг таркибига бор йўғи 10% ўтади.

Сўнги янчиш босқичларида унни таркибида клетчаткани ортиб кетиши қуйидаги омилларга боғлиқдир: 3-майдалаш тизимидан кейин унда 0,3% клетчатка бўлса, 7чи майдалаш тизимидан кейин бу миқдор 1,59%ни ташкил этиб, 5 марта ортиб кетганлигини кўрсатади.

Охирги янчиш ва майдалашда товар уннинг оқимини сифати-ранги, кул миқдори, клетчатка миқдори ёмонлашиши билан бирга клейковина миқдори ҳам камайиб кетади. Масалан 2 навли ундаги клейковина ҳосил қилмайдиган оқсилнинг миқдори олий навли ундагига қараганда (6,55%) 2 марта камдир (3,29%).

**Бугдой донларини саралашда ҳосил бўладиган “Дерт” чиқиндиси ва
унинг кимёвий таркиби бўйича**

3-жадвал

Кўрсаткичлар	Микдори	Кўрсаткичлар	Микдори
Озуқавий бирлиги	1,15	Магний, г	0,9
Алмашинув энергияси (каламушларда), МДж	11,1	Натрий, г	1,5
Алмашинув энергияси (чўчқаларда), МДж	12,6	Темир, г	139
Алмашинув энергияси (қўйларда), МДж	11,66	Мисъ, мг	4,9
Қуруқ модда, г	859	Рух, мг	44
Хом протеин, г	120	Марганец, мг	8
Ҳазм бўладиган протеин (каламушларда), г	100,9	Кобальт, мг	0,04
Ҳазм бўладиган протеин (чўчқаларда), г	110,99	Йод, мг	0,15
Ҳазм бўладиган протеин (қўйларда), г	105,95	Каротин, мг	1
Лизин, г	3,24		
Метионин+цистин, г	3,48	Витамин Е (токоферол), мг	24,7
		Витамин В1 (тиамин), мг	5,2
Хом клетчатка, г	58,9	Витамин В2 (рибофлавин), мг	1,1
Крахмал, г	362,45	Витамин В3 (пантотеновая кислота), мг	10,1
Шакрлар, г	16,56	Витамин В4 (холин), мг	737,9
Биологическ	637	Витамин В5 (никотиновая к-та), мг	27,5

экстракцияланувчи моддалар (БЭМ), г			
Хом жир, г	17,8		
Кальций, г	2,1		
Калий, г	2,4		
Фосфор, г	2,6		

Арпа, сули, жавдар ва буғдой донидан солод тайёрлаш.

Донни хўллаш ҳаво-сув усулида амалга оширилади. Бунда сувнинг ҳарорати 13-15 °C ни ташкил қилади. Биринчи хўллаш вақтида сув юзасига қалқиб чиққан аралашмаларни олиб ташлаб дон ювилади. Арпа, сули ва буғдой 2-3 марта, жавдар эса 1-2 марта сувда бўктирилади.

ҳар бир сувга ботириш вақтида доннинг сув остида туриш вақти 3-4 соатни ташкил қилади. Сув ажратиб олингандан кейин дон 2-3 соат сувсиз қолдирилади. Дон намлиги 8-40 % га етганда хўллаш тўхтатилади. 2ўлланган дон хўллаш чанидан тўкилади ва полга 60-70 см қалинликда ёйилади. Ёйилган доннинг ҳарорати 23-24 °C га етганда дон ёғоч курак ёрдамида ағдарқилиб 40 см баландликда жўяк шаклига келтирилади. Доннинг ўстириш вақтида ҳарорат жўякнинг қалинлигига қараб ўзгариб туради ва курак ёрдамида ағдариб туриб бошқарилади. Ўсишнинг биринчи икки кеча-кундузида ҳарорат 19-20 °C га ушланиб турилади. Ўсишнинг кейинги кунларида ҳарорат пасайтирқилиб, охирида 13-14 °C га етказилади. Арпа, сули ва буғдойни ўстириш вақти 10-12 кеча-кундуз, жавдарники эса 7-8 кеча-кундузни ташкил қилади.

Дон ўсиш вақтида заруриятга қараб курак билан ағдарқилиб турилади. Ағдариш бир кеча-кундузда 2-3 мартадан кам бўлмаслиги керак. Донни ағдаришдан олинган унга сув пуркалади, сув пуркаш солод тайёр бўлишига 24 соат қолганда тўхтатилади. Ўсган арпа ва сули солодининг намлиги 44-45 %, жавдар ва буғдой солодининг намлиги эса 40-41 % бўлиши керак.

Юқоридаги донлардан пневматик яшиқларда солод тайёрлаш қуйидагича амалга оширилади. Дон хўллангандан сўнг хўллаш чанидан яшиқларга 0,5-0,6 м қалинликда ёйилади. Доннинг ўсишига қараб унинг қалинлиги 0,8-0,9 м га етказилади. Яшиқда донни ўстириш режими полда донни ўстиришдек бир хил олиб борилади. Солоднинг ҳарорати ҳаво пуфлагич билан нисбий намлиги 95 % дан кам бўлмаган ҳаво юбориш орқали бошқарилади. 2авонинг тезлиги 2-3 м/сек ни ташкил этади. Ҳар сменада

яшиқдаги солод курак ёрдамида бир марта ағдарилади. Ағдаришдан олдин эса сув пуркалади.

Тарик донини ўстириш. Арпа, сули, жавдар ва буғдой донидан солод тайёрлаш бир-бирига ўхшаш бўлиб, уларнинг ўзига хослиги жараён хароратининг пастлигидир. Тарик донидан солод тайёрлаш бир оз юқори хароратни талаб қилади. Бунда амилаза ферментлари кам ҳосил бўлсада, декстриназа ферменти кўп ҳосил бўлади. Декстриназа ферменти ҳосил қилиниши учун тарик донидан солод олинади.

Тарик дони ҳаво-сув усулида ҳўлланади. Сувнинг ҳарорати 25-30 °C бўлиши керак. Паст хароратли сув ҳўллаш чанига солинмасдан олдин ққиздирилади.

Биринчи ҳўллашдан 2 соат ўтгандан кейин сув юзасига қалқиб чиққан аралашмалар олинади ва дон ҳарорати 25-30 °C бўлган сув билан ювилади. Ювилгандан сўнг дон сув остида сақланади. Биринчи марта сув остига донни сақлаш жараёни 4 соат давом эттирилади. Шундан сўнг дон 4-6 соат сувсиз сақланади ва яна сув остида 6 соат 25-30 °C ҳароратда сақланади. Сўнггра дон чандан полга тўкилади. 2ўлланган тарик донининг намлиги 350-38 % бўлиши керак. 2ўлланган дон қалинлиги 0,7-1,0 м ққилиб ёғоч яшиқларга солинади. Бунда доннинг ҳарорати 25 °C дан паст бўлмаслиги керак. Агар ҳарорат пасайса иссиққ сув сепилади.

Дон яшиқда ҳарорати 30-35 °C га кўтарилгунча сақланади. 2арорат меъёрга етгандан кейин тарик яшиқдан олиниб полга қалинлиги 0,4 м ққилиб жўяк шаклида ёйилади. Бошланғич 2 кеча-кундузда жўяқда ҳарорат 26-306 °C да ушланади. Учинчи ва кейинги кунларда жўяк ҳарорати 25-26 °C га пасайтирқилиб жўяк қалинлиги 0,15-0,20 м га келтирилади. ҳарбир ағдаришдан олдин донга илиқ сув сепилади. Сув сепиш солод тайёр бўлишидан 12 соат олдин тўхтатилади. Тарик донидан тайёрланган солод намлиги 40-42 % бўлиши керак.

Хар бир ағдаришдан олдин 1 тн дон миқдорига нисбатан 4-6 дал сув сепилади. Солод 5-6 кеча-кундузда тайёр бўлади.

Тайёр солоднинг сифати

Тоза ўстирилган солоднинг сифатини баҳолашда энг аввало муртак япроғининг ўсиш узунлигига эътибор бериш керак. Муртак япроғининг ўсиши эндоспермнинг эришини кўрсатади. Спирт саноати учун тайёрланган солодда муртак япроғининг узунлиги дон узунлигидан кам бўлмаслиги лозим.

Дон илдизларининг сони 3-5 дона, узунлиги 1,5-2,0 см бўлиши керак.

Тоза ўстирилган арпа солодидан бодринг ҳиди, тарик дони солодидан эса олма ҳиди келиб туради.

Солоднинг асосий кўрсаткичи бўлиб унинг ферментатив фаоллиги ҳисобланади. Ўз навбатида солоднинг ферментатив фаоллиги бўлиб унинг амилолитик (АФ) ва декстринолитик (ДФ) фаолликлари аниқланади.

Амиллитик фаоллик деб солоддаги амилотик ферментларнинг крахмални мальтозагача ёки йод билан ранг бермайдиган декстрингача гидролизланишига айтилади. ФА кўрсаткичи деб 1 г солоднинг 1 соат давомида 30 °С ҳароратда неча грамм крахмални мальтоза ва йод билан ранг бермайдиган декстрингача гидролизи тушунилади.

Декстринолитик фаоллик деб солод ферментининг фосфодекстринларни мальтозагача гидролизлашига айтилади.

ДФ кўрсаткичи деб 1 г солоднинг 1 соат давомида 30 °С ҳароратда неча грамм фосфодекстринларни мальтозагача гидролизлашига айтилади.

Солод сифатини баҳолаш кўрсаткичлари

4-жадвал

Солод	Аъло		Яхши		Қониқарли	
	АФ	ДФ	АФ	ДФ	АФ	ДФ
Арпа	6	35	4-6	25-35	3-4	15-25
Сули	5	45	3-5	35-45	2-3	25-35
Жавдар	7	35	4-7	25-35	3-4	15-25
Буғдой	7	35	4-7	25-35	3-4	15-25
Тариқ	3	100	2-3	70-100	1-2	50-70

Тайёр солод сарфи

Таркибида крахмал бўлган хом ашёдан спирт ишлаб чиқаришда ишлатиладиган солоднинг сифати ва миқдорини аниқлаш унинг сарфини ҳисоблашда муҳим аҳамиятга эга.

Арпадан тайёрланган солод сарфи спирт олиш учун ишлатиладиган маҳсулот таркибидаги крахмал миқдорининг 10 %-ни ташкили қилиши лозим. Масалан, 100 кг таркибидан 56,7 % крахмал бўлган донга 5,67 кг солод сарфланади.

Солод 2-3 % миқдорда бижғишда ачитқи замбуруғлари учун озуқа моддаси сифатида ҳам қўлланилади.

ҳозирги вақтда спирт ишлаб чиқаришда қўлланиладиган технологик йўриқномаларга асосан хом ашё таркибидаги крахмал миқдorigа кўра қуйидаги миқдорда солод сарфланади:

Юқоридагилардан кўриниб турибдики солод миқдори картошка массасининг 2,5-2,75 % ва дон массасининг 7-9 %-ини ташкил қилади.

Солод тайёрлашни тезлаштириш усуллари

Спирт ишлаб чиқариш саноатида солод ўсишини тезлаштириш ва ферментатив фаоллигини ошириш учун биологик стимуляторлардан, асосан, гибберелиндан фойдаланилади. Гибберелин миқдори қуйидагича

белгиланади (100 %-ли препарат): 1 тн арпа, жавдар ва сулига 600 мг; тарик учун эса 400 мг. Препаратдан эритма куйидагича тайёрланади: 1 г гибберелин 20 мл спиртда эритилади ва ҳажми 1 л га етгунча сув қўшилади. Тайёрланган эритма солодга сепиш учун мўлжаланган ишчи эритманинг асоси бўлиб хизмат қилади. Яъни эритма ҳажми 8-10 литрга етгунча сув билан аралаштирилади.

Хом солодни ювиш ва дезинфекциялаш

Донни ўстириш жараёнида унинг сиртидаги микроорганизмлар миқдори 10-15 марта ортади. Бу микроорганизмлар бижғиш жараёнининг нормал боришига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан солод майдаланишидан олдин ювилади ва дезинфекцияланади.

Солод таркибидаги микроорганизмларнинг фаолиятини тўхтатиш учун солод сувда ювилгач хлорли оҳак ёки формалин эритмасида 20-25 мин давомида сақланади. Дезинфекциялаш учун ишлатиладиган эритма куйидагича тайёрланади: 1 м³ сувда 1,25 кг хлорли оҳак ёки 2,5 л 40 %-ли формалин эритиш билан тайёрланади. Солодни ювиш ва дезинфекцияловчи эритма билан ишлов бериш аралаштиргичли чанларда амалга оширилади.

Антисептиклар бўлмаган тақдирда солод ҳарорати 50-53 °С бўлган илиқ сув билан ювилади.

Солодни майдалаш ва солод шарбати тайёрлаш

Солод таркибидаги ферментларни тўлиқ муҳитга ўтказиш ва солод крахмалини эриган ҳолга ўтказиш учун у майдаланади. Майдаланган солод сув билан 1:5 гидромодулда аралаштирилади. Олинган солод шабати формалин эритмаси билан дезинфекция қилинади. Бунда 1 дал солод шарбатига 20-25 мл 40 %-ли формалин эритмаси қўшилади ва 20-25 мин сақланади.

Солодни майдалаш учун, одатда, марказдан қочма усулда ишлайдиган болғали майдалагичлардан фойдаланилади.

Бижғиган бўтқа кимёвий таркиби. Спирт турлари

Бижғиган бўтқа мураккаб компонентли система бўлиб, у асосан сув (82-90 % мас.), куруқ моддалар (4-10 % мас.) ҳамда этил спирти ва у билан бирга учрайдиган учувчан қўшимчалардан (5-8 % мас. ёки 6-10 % х.) иборат. Бижғиган бўтқада албатта у ёки бу микдорда углерод (IV)-оксиди мавжуд бўлади. Тўғридан тўғри бижғиш чангидан олинган 1 л бижғиган бўтқада 1,0-1,5 г CO_2 бўлади. Бўтқани ректификация бўлимига насос орқали узатишда 35-45 % CO_2 йўқотилади. Бижғиган бўтқанинг кислоталилиги 0,5°, РН-и эса 4,9-5,2 га тенг. Бижғиган бўтқа таркиби хом ашё тури ва уни қайта ишлаш технологик режимидан боғлиқ бўлади.

Бижғиган бўтқа куруқ моддалари муаллақ заррачалар (ацитки замбуруғлари ҳужайраси, шелуха ва бошқалар) ҳамда сув-спирт эритмасида эрувчи органик ва анорганик моддалар (ўзлаштирилмайдиган қандлар, декстринлар, оксиллар, минерал моддалар ва бошқалар)дан иборат. Дон табиатли бижғиган бўтқа меласса табиатли бижғиган бўтқага нисбатан юқорироқ қовушқоқликка эга. Бироқ меласса табиатли бижғиган бўтқаги куруқ моддалар микдори 8-10 % мас.га тенг бўлса, дон табиатли бижғиган бўтқада 5-7 % мас. га тенг.

Спирт билан бирга учрайдиган (асосан, бижғишнинг иккиламчи маҳсулотларидан ҳосил бўладиган) моддалар турли туман бўлиши билан тавсифланади. ²озиргача уларнинг 70 тадан ортиғи идентификация қилинган. Бироқ уларнинг микдори кам бўлиб, одатда, муҳитдаги этил спирти микдоридан 0,5 % дан ошмайди.

Хамма енгил учувчан моддаларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин. Улар спиртлар, альдегидлар, кислоталар ва эфирлар. Бундан ташқари учувчан азотли моддалар (аммиак, аминлар, аминокислоталар), олтингугурт сақловчи (водород сульфид, олтингугурт (IV)-оксиди, меркаптанлар) ва бошқа моддалар ҳам мавжуд бўлади.

Учувчан моддалар таркиби ва микдори хом ашё тури ва сифатидан, уни қайта ишлашда қабул қилинган технологик режимлардан боғлиқ бўлади.

Учувчан қўшимчалар оз миқдорда хом ашёдан, сувдан, ёрдамчи маҳсулотлардан ўтади. Бироқ уларнинг аксарият қисми оз миқдорда бўлсада, шарбат тайёрлашда бижғиш жараёнида ҳосил бўлади. Бундан ташқари ярим тайёр шароб маҳсулотларига иккиламчи ишловлар бериш - иссиқлик, совуқлик ишловлари, оклейка, иккиламчи микробиологик жараёнларда ҳам ҳосил бўлади. Қўшимча моддаларнинг асосий улушини (этил спирти миқдориға нисбатан 0,35-0,45 %) спиртлар ташкил қилиб улар метил, пропи́л, изобутил, изоамил спиртларидирлар. Охирги учта спирт сивуш мойларини ташкил қилади. Уларнинг массавий улуши бижғиётган бўтқадаги этил спирти миқдориға нисбатан 0,3-0,35 % ни ташкил этади. Метил спирти миқдори дон ёки мелассадан ҳосил қилинган бижғиётган бўтқада этил спирти миқдориға нисбатан 0,24 %-ни ҳосил қилади.

Учувчан кислоталар миқдори спирт миқдориға нисбатан 0,005-0,1 % ни ташкил этиб, улар, асосан, сирка, мой, пропион, валериан ва бошқа карбон кислоталаридан ташкил топган бўлади.

Альдегидларнинг асосий улуши сирка альдегидига тўғри келади. Мелассадан тайёрланган бижғиётган бўтқада альдегидлар массавий улуши спирт миқдориға нисбатан кўпи билан бор йўғи 0,05 %-ни ташкил қилсада, дон бўтқасидаги альдегидлар массавий улушидан 10-50 марта кўп бўлади. Ачитқи замбуруғларини еттиштириш жараёнида шарбатни аэрация қилиш (яъни шамоллатиш) муҳитда альдегидлар биосинтезининг жадаллашишига олиб келади. Бижғиган бўтқада эфирларнинг массавий улуши спирт миқдориға нисбатан 0,05 %-ни ташкил қилади. Бўтқада, асосан, сирка-этил, чумоли-этил, сирка-метил, изомой-бутил каби эфирлар мавжуд бўлади.

Бижғиган бўтқадаги спирт маҳсус "хом ашё ускуналари"да ажратиб олинади. Қўшимчаларнинг аксарияти спир билан бирга буғланиб ускунада конденсацияланади. Олинган маҳсулот хом спирт дейилади.


Ректификатланган спирт хом ашёда мавжуд бўлган учувчан қўшимчалардан ректификация йўли билан тозалаш орқали

брагоректификация ускуналарида олинади. Ректификатланган спиртнинг тўрт тури: люкс, экстра, олиф тоифада тозаланган ва I нав мавжуд.

Спирт хом ашёси ва ректификаланган хом ашёдан ташқари саноат оз миқдорда абсолют спирт ҳам ишлаб чиқаради. Сувсиз (100 %-ли) ва абсолют спирт тушунчаларини бир-биридан фарқ қилиш лозим. Абсолют спиртда 0,2 % ҳ. гача сув мавжуд бўлишига рухсат берилади. Саноат томонидан сувсиз спирт ишлаб чиқарилмайди.

II-боб. Илмий тадқиқотнинг услуб ва материаллар

Илмий тадқиқот ишларини ишчи гипотезасини яратиш ва тадқиқотларни режалаштириш



2. Илмий тадқиқот услублари

2.1. Қантлаштирилган суслоси таркибидаги қуруқ моддаларни рефрактометр метод билан аниқлаш.

Методни афзаллиги.

Метод рефрактометр ёрдамида синдириш кўрсаткичи ва пикнометр ёрдамида солиштирма зичлик кўрсаткичларини аниқлашга асосланган.

2.1. Намуна олиш

Қантлаштирилган массада намуна олиш барча такрорланишлардан 1 мл дан олиб, уни умумий пробиркага солиб аралаштирилгандан сўнг рефрактометрда кузатилади.

2.2. Рефрактометрни ишга ростлаш.

